

**ТУРКИСТОНДА РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ
МУСТАМЛАКАСИ ДАВРИДА ВАҚФ
ЕРЛАРИНИНГ ҲОЛАТИ (1865 –
1881 ЙИЛЛАР СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ
МИСОЛИДА)**

**СОСТОЯНИЕ ВАКФНЫХ ЗЕМЕЛЬ
В ТУРКЕСТАНЕ В ПЕРИОД
КОЛОНИЗАЦИИ РОССИЙСКОЙ
ИМПЕРИИ (1865-1881 ГГ. НА ПРИМЕРЕ
СЫРДАРЫНСКОЙ ОБЛАСТИ)**

**THE WAQF LANDS IN TURKESTAN
DURING THE COLONIZATION OF THE
RUSSIAN EMPIRE (IN 1865-1881 ON THE
EXAMPLE OF THE SYRDARYA REGION)**

Odil ZARIPOV,

THE INSTITUTE OF HISTORY OF THE
ACADEMY OF SCIENCES OF THE REPUBLIC
OF UZBEKISTAN, PHD student

baqtria@gmail.com

Str. Shahrisabz passage 5., Tashkent, 100060, Uzbekistan

DOI: 10.47980/ПАУ/2021/2/2

Аннотация: Мақолада Россия империяси мустамлакаси даврида Туркистон генерал-губернаторлигида вақф мулкларининг аҳоли Сирдарё вилояти мисолида кўриб чиқилган. Тадқиқотда асосан бирламчи архив манбалари, генерал-губернатор девонхонаси материаллари ва мавзуга доир илмий асарлардан фойдаланилган. Шунингдек, ушбу ҳудудда вақф ерларининг таъкил этилиши сабаблари ва аҳолияти ҳамда ўлка маъмуриятининг мустамлакачилик сиёсати натижасида бу ерларнинг қаровсиз ҳолатга тушиб қолганлиги таҳлил этилган.

Маълумки, 1867 йилда генерал-губернаторлик Сирдарё ва Еттисув вилоятлари ўзагида таъкил этилди. Сирдарё вилояти таркибига Тошкент, Туркистон, Чимкент каби қадимий шаҳарлар кирарди. Бу ҳудудларда азалдан вақф ерлари мавжуд бўлиб, айнан шу шаҳарлар итилодан кейин рус маъмурияти сиёсатининг илк тажриба майдонида айланди. Ўлка бошқарувининг илк давларида рус ҳукумати вақф ерларига нисбатан эҳтиёткорона сиёсат юритилган бўлса-да, Туркистонга биринчи генерал-губернатор сифатида келган Фон Кауфман бошқаруви даврида ушбу ерларни давлат ерларига айлантириш сиёсати амалга оширилган. Ҳатто, Кауфман минтақадаги асрлар давомида шаклланган ер эгалиги анъаналарини тугатиш мақсадида махсус қонун лойиҳалари ишлаб чиққан. Ушбу сиёсат натижасида ўлкада мавжуд вақфлар ерларининг бир қисми давлат ҳисобига ўтказилиб, бошқалари ташландиқ ҳолга тушган.

Вақф ерларидан тушадиган даромадлар тўхташи билан эса масжидлар, мадрасалар ҳамда мазор ва зиёратгоҳлар ўзларининг молиявий манбаларидан маҳрум бўлдилар. Қолаверса, мазкур ҳолат бу диний муассасаларда ишловчи ва таълим оладиган кишилар, вақфга қарашли ерларда ишловчи деҳқонларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига салбий таъсир кўрсатган.

Ушбу мақолада Туркистонда Россия империяси мустамлакаси даврида вақф ерларининг 1865 – 1881 йиллардаги ҳолати Сирдарё вилояти мисолида ёритилган. Мақоладаги факт ва маълумотлар тарихийлик тамойилига асосланган ҳолда тадқиқ қилинган. Тадқиқот жараёнида микротарих, миқдорий, тизимли, контент таҳлил ва муаммовий-хронологик усуллардан фойдаланилган.

Калим сўзлар: ислом, вақф, ер эгалиги, Туркистон, Россия империяси, Кауфман, таноб, вақфнома, Қўқон хонлиги, Тошкент беклиги.

Аннотация: В статье на примере Сырдарьинской области рассмотрено состояние вакфных земель в Туркестанском генерал-губернаторстве, созданном в период колонизации Российской империи. В исследовании использовались в основном первичные архивные источники, материалы канцелярии генерал-губернатора края и научные труды по данной теме. Также были проанализированы причины учреждения вакфных земель и их значение в этом районе, а также факт того, что эти земли стали заброшенными в результате колониальной политики представителей царской власти. Известно, что Туркестанское генерал-губернаторство было создано в 1867 году на основе Сырдарьинской и Семиреченской областей. В состав Сырдарьинской области входили такие древние города, как Ташкент, Туркестан, Чымкент. В этих краях вакфные земли существовали с незапамятных времен. После нашествия русских именно эти города стали первыми объектами политических экспериментов царской администрации. Хотя российское правительство на ранних этапах местного самоуправления в отношении вакфов и исламской религии в целом придерживалось в регионе политики невмешательства. Но с прибытием в Туркестан первого генерал-губернатора фон Кауфмана началась колониальная политика в отношении земель. Администрация края под разными предлогами начала конфискацию вакфных земель. В результате этой политики часть земель, принадлежавших вакфам была переведена на государственный счет, а другие остались без присмотра. С прекращением доходов с вакфных земель мечети, медресе и другие священные места мусульман были лишены своих финансовых ресурсов. Такое положение отрицательно сказалось на социально-экономической жизни крестьян, которые трудились на этих вакфных землях, а также, служащих и получающих образование в религиозных учреждениях, которые находились под попечительством вакфов. Мы исследовали данный вопрос на основе принципа историзма. В ходе исследования были использованы количественный, систематический методы, метод

контент-анализ и проблемно-хронологический методы микроархеологии.

Ключевые слова: ислам, вакф, землевладение, Туркестан, Российская империя, Кауфман, танап, вакфнаме, Кокандское ханство, Ташкент.

Abstract: The article examines the state of the waqf lands in the Turkestan general-governorate, created during the colonization of the Russian Empire, using the example of the Syrdarya region. The study mainly used primary archival sources, materials from the office of the Governor-General of the region, and scientific works on this topic. We analyzed the reasons for the establishment of the waqf lands in the area and their significance, as well as the fact that these lands became abandoned as a result of the colonial policy of the tsarist authorities. The General government in Turkestan was created in 1867 based on the Syrdarya and Semirechensk regions. The Syrdarya region included such ancient cities as Tashkent, Turkestan, and Shymkent. Waqf lands have existed in these parts since time immemorial. After the Russian invasion, these cities became the first objects of political experiments of the tsarist administration. In the early stages of local self-government, the Russian government generally adhered to a policy of non-interference concerning waqfs and the Islamic religion in the region. But with the arrival of the first governor-general von Kaufmann in Turkestan, a colonial policy concerning the lands began. Some of the land owned by the waqfs was transferred to the state account, while others were left unattended. With the cessation of income from waqf lands, mosques, madrassas, and other sacred places Muslims were deprived of their financial resources. This situation harmed the socio-economic life of the peasants who worked on these waqf lands. We investigated this issue based on the principle of historicism. In the study, we used quantitative, systematic, content analysis, and problem-chronological methods of microhistory.

Keywords: Islam, Waqf, land tenure, Turkestan, Russian Empire, Kaufman, tanap, waqfname, Kokand Khanate, Tashkent.

КИРИШ

XVIII аср охири – XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси ўзининг тинимсиз истилочилик сиёсати натижасида аҳолисининг асосий қисми мусулмон бўлган кенг ҳудудларни ўз таркибига қўшиб олди. 1783 йилда Қрим хонлиги Россия империяси таркибига кирди ва ушбу ўлка мусулмонлари фақатгина Қрим ярим оролининг ўзида истиқомат қилишга маҳкум этилди. XIX асрнинг биринчи ярмига келиб подшоҳ Россияси аста-секин Шимолий Кавказнинг Қора денгиздан Каспий денгизигача бўлган ерлари устидан назорат ўрнатди. 1820 йилларда Эроннинг Шимолий вилоятлари, жумладан, Озарбайжон хонликлари империя таркибига “қўшиб олинди”. 1850 йилларда Замонавий Қозоқ дашти ҳудудлари бутунлай Россияга қўшилди. 1860 йиллар ва 1880 йилларда

рус қўшинлари Ўрта Осиё ҳудудларини, жумладан, Қўқон хонлиги, Бухоро амирлиги ерларининг бир қисмини ва туркман ҳудудларини (Каспийорти вилояти) босиб олди. 1877 – 1878 йиллардаги рус-турк уруши натижасида Қарс вилояти ва Ажария эгалланди. Эътиборли жиҳати шундаки, бу ҳудудларнинг барчасида вакф ер эгаллиги мавжуд эди.

Туркистонда рус маъмуриятининг вакф мулкчилигига нисбатан юритган сиёсати тарихи борасидаги тадқиқотлар тўғрисида тўхталадиган бўлсак, “бу соҳада Россия давлати ва уммат (мусулмон жамияти – О.З.) ўртасидаги муносабатларининг мазмунни жуда кам ўрганилган” (Abashin, 2003:162-163) – деб ёзади, рус тарихчиси С.Н.Абашин. Шундай бўлса-да, Россия империясидаги вакф институти эволюцияси, ўлка маъмуриятининг, мусулмон ҳукуки ва анъаналарига жумладан, вакф мулкчилигига муносабати Ў.Султонов, С.Болтабоев, Ш.Мухаммедов, Паоло Сартори, С.Абашин каби олимларнинг ишларида тадқиқ этилган.

Ўша даврда Ўрта Осиёда мулкчиликнинг жуда кенг тарқалган шаклларида бири вакф эди. У бирон-бир мулкдор шахс томонидан маълум ижтимоий-иқтисодий мақсадлар билан ўқув муассасалар, диний ёки хайрия ташкилотлар фойдасига хайр-эхсон тариқасида берилади. Вакф субъекти маълум бир мулкнинг ҳукукий эгаси ҳисобланган жисмоний шахс бўлиб, унинг объекти бўлса: одатда экин ерлари, боғлар, ариқлар, тегирмонлар шунингдек, савдо расталари, дўконлар, ҳаммомлар каби фойда келтирувчи ҳар қандай мулк бўлиши мумкин. Вакф мулклари қозилар томонидан тузилган вакфномалар асосида расмийлаштирилган. Ушбу вакфномаларда мулклар рўйхати, уларнинг жойлашган ўрни ва ҳажми, вакф мулкчининг ташкил этилишдан мақсади, вакфдан тушадиган даромадларнинг тақсимлаш тартиби кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, ушбу вакф мулкчини назорат қилувчи шахс – мутавалли белгиланиб, ҳужжат қози муҳр, айрим вакф мулкларида хон муҳри билан тасдиқланиб, қонуний кучга кирган (Vakf. Iz knigi Giday, 1887: 170). Таъкидлаш жоизки, вакф институти тузилиши ва мулк турларининг хилма-хиллиги жиҳатидан мураккаб мулкчилик шакли бўлганлиги учун, айрим ҳолларда унинг назорати ва даромадлар тассаруфи юзасидан муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлган. Бу ҳолат айниқса, мулкчилик шакллари ҳақида ўз дунёқараш ва ғояларига таянган рус маъмуриятининг аралашуvidан кейин кескинлашди. Рус ҳукумати вакф мулкларини (айниқса, вакф ихтиёрида бўлган ерларни – О.З.) тан олинмасликка интилди, бу ерлар давлат ҳисобига ўтса, ушбу ерлардан тушадиган даромад ўлкадаги рус маъмурларининг молиявий

манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин эди (Savitskii, 1963: 112-113).

Бундан ташқари, бозор иқтисодиётининг ривожланиши шароитида вақф ерларида етиштирилган ва унда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўламини оширишнинг муҳим заҳираси эди. Вазият минтақанинг стратегик аҳамияти билан кескинлашиб, вақфларнинг мусодара қилиниши руҳонийларнинг куч салоҳиятини кескин пасайтирарди. Шу сабабдан, Туркистонда вақф мулки ўлка қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш, савдо ва ҳунармандчилик соҳасининг ажралмас қисми ўлароқ доимо ўлка маъмуриятининг диққат марказида бўлди. Вақф даромадлари империя хазинаси эмас, мустамлака тузумига қарши қайфиятда бўлган ислом динининг турли қатламдаги руҳонийларининг асосий молиявий манбаи сифатида ҳам қатта ташвиш туғдирарди.

Ушбу тадқиқотда Россия империяси мустамлакаси даврида Туркистонда мавжуд вақф мулклари ичида вақф ерларининг ҳолатини Сирдарё вилояти мисолида таҳлил этиш мақсад қилиб қўйилган. Туркистон генерал-губернаторлиги тузилгач, айнан маркази Тошкент шаҳри бўлган Сирдарё вилояти империя мустамлакачилик сиёсатининг илк тажриба майдонига айланди.

ТАҲЛИЛ

Россиянинг империалистик сиёсати натижасида XIX аср охирига келиб Қримда мусулмонлар озчиликни ташкил этган бўлса, ерсиз рус деҳқонларини Туркистонга ҳам кўчириш сиёсатиға қарамай, ўлкада мусулмонлар мутлақ кўпчиликни ташкил этиб, диний тузилмаларни назорат қилишни давом этдилар ва албатта, улар орасида асосий ролни вақфлар эгалларди.

Ўрта Осиёни босиб олишнинг илк даврида ҳарбий юришлар ва ўлкада маъмурий бошқарувни ташкил этиш банд бўлган империя маъмурияти, маҳаллий хўжалик тизимига аралашмаслик сиёсатини олиб борди. Айниқса, ўлка аҳолисининг мусулмон эканлигини ҳисобга олиб, ислом динининг ажралмас қисми бўлган вақф мулкларига нисбатан кескин ўзгаришлар қилишга шошилмади ва унга нисбатан эҳтиёткорона сиёсат олиб борди. Буни биз 1865-1867 йилларда ҳали Оренбург генерал-губернаторлиги таркибида бўлган Туркистон вилояти ҳарбий губернатори М.Черняевнинг вақф мулкларига нисбатан юритган юмшоқ сиёсатида кузатишимиз мумкин. Истилодан кейин вақфномаларда ва вақф мулкларига мутавалли тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатларда унинг муҳрини учратиш мумкин. Мисол учун, 1866 йилда Тошкентнинг Хўжа Аҳроф

(Mukhamedov, Alidjanova 2020:1242) мадрасаси вақф мулкига Мухаммад Мухиддин Хўжани мутавалли этиб тайинлаш тўғрисидаги, шаҳар қозикалони Ҳаким Хўжа Эшон Тўра Хўжа Эшон ўғли муҳри билан чиқарилган ҳужжатни (O'zR MDA, I.1- fond, 14- ro'yxat, 21- ish), Михаил Черняев араб имлосидаги муҳр билан тасдиқлаб берган (Sultonov, 2007: 13). Аслида, унинг қисқа бошқаруви даврида ислом динига, хусусан, вақф мулкчилигига эҳтиёткорона ёндашуви, эгалланган ҳудуд аҳолисининг ишончини қозониш мақсадида юритилган сиёсат эди. Хусусан, Черняев Тошкент шаҳар бошқаруви масаласида ўзи билан бирга шаҳар қозикалонига ҳам бир қанча ваколатлар берилиши тўғрисида шаҳарнинг обрўли шахслари номидан Оренбург генерал-губернаторига мактуб йўллайди. Бундан кўзланган мақсад аввало, шаҳарнинг “элитаси” бўлмиш юқори мансабдаги ва нуфузли шахсларни ўз томонига оғдириб, улар орқали аҳолини бошқариш эди. Мактубда шаҳар аҳолиси “Тошкент шаҳри ва унинг ташқарисида жойлашган вақф номи остидаги барча мулклар, улар ким томондан ва қаерда ташкил қилинганидан қатъий назар – ҳар қандай йиғимлардан озод қилиш, уларнинг даромадини ўз мақсади йўлида эркин фойдаланишга йўл қўйиш” (Romanovskiy, 1886: 178) тўғрисида сўрашади. Шаҳар аҳолисининг истилодан сўнг, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг муҳим масалалари қаторида вақф мулкларининг дахлсизлиги тўғрисидаги мурожаати, Туркистон жамиятида вақф мулкчилигининг қанчалик аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатади.

Туркистон вақф ерларига оид биринчи қарорни генерал-губернаторлик ташкил этилиши биланоқ, 1867 йилги Еттисув ва Сирдарё вилоятларини бошқариш тўғрисидаги Низом лойиҳасида учратиш мумкин, ўлка бошқарувининг илк даврида айнан ушбу низом асос бўлиб хизмат қилди. “Вақф ерлари, вилоят бошқармасида уларнинг ҳужжатлари кўриб чиқилгандан сўнг, амалдаги тартиб асосида оқланган, яъни тўловлардан озод қилинган ва белгиланган солиқларни тўлайдиган ерларга бўлинади. Бундан буён янги ташкил этилган вақфлар умумий асосларда хирож ва таноб солиғини тўлаши керак” (O'zR MDA, I.1- fond, 25- ro'yxat, 21- ish, 5-v.) – деб, белгилаб қўйилганди мазкур Низомнинг 295-моддасида. Бу маъмурият учун давлатнинг вақфларга бўлган муносабати ҳақида кенг кўламли турли хил фикрларга эга бўлиш учун йўл очиб берган низомдаги ягона кўрсатма эди. Низомнинг янги ташкил қилинадиган вақфларга тегишли банди мустамлака ҳукуматининг вақф дахлсизлигига қарши қаратилган биринчи қадами бўлди.

Империянинг барча соҳаларда бўлгани каби вақф мулкларига нисбатан мустамлакачилик сиёсати

ўлкага генерал-губернатор К. Фон Кауфманнинг келиши билан бошланди. Аграр сиёсатда асосий эътиборини давлат солиқларга қаратган Кауфман ўзига берилган “ярим пошшолик” ваколатидан фойдаланиб, ўлка кишлоқ хўжалиги тизимини тартибга солиш ҳамда ер эгалиги ва сувдан фойдаланиш муносабатларига доир янги тартиб ишлаб чиқишга киришди. Бундан кўзланган асосий мақсад ер ва сув эгалигини давлат мулкига ўтказиб, аграр ўлка ҳисобланган Туркистоннинг кишлоқ хўжалигини империя фойдасига ҳал қилиш эди.

1868 йил 3 январда Фон Кауфман Туркистон ҳарбий-округи кенгаши аъзоси полковник Н.М.Николаевга ўлкадаги мавжуд ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг ерга эгалик қилиш ҳуқуқини яхшироқ ўрганиш вазифасини топширади (O'zR MDA, I.1- fond, 14- ro'uxat, 9- ish, 1- v.). Минтақадаги мавжуд ер эгалиги шакллари ва турларини ўрганиб чиққач, комиссия “Кўқон хони ва Бухоро амирининг ҳудудида барча ерлар дастлаб хон ва амирга тегишли бўлган, шунинг учун тасдиқловчи ҳужжатлари бўлиши шарт билан фақатгина мулк ерлари хусусий мулк сифатида эътироф этилиб, бошқа ерлар аҳолига белгиланган ҳақ эвазига муддатсиз фойдаланишга берилган” деган фикрга келади. Давлат, хон ва амирлар шунингдек, оддий фуқаролар томонидан хайр-эҳсон сифатида ташкил қилинган, масжид ва мадрасалар, ҳамда қисман руҳонийлар эгалик қилаётган ва фойдаланаётган вақф ерлари эса улар ташкил қилингунга қадар қандай ҳуқуқларга эга бўлганлигига қараб солиқ солинади (O'zR MDA, I.1- fond, 14- ro'uxat, 9a- ish, 64- v.), - деб, вақфларни ўз ҳолича қолдириш керак деган хулосага келади Николаев. Бунга нисбатан генерал-губернатор Фон Кауфман: “мулк эгалари ва ўзларининг ерга бўлган даъволарини ҳимоя қилаётган мусулмон руҳонийлари аҳолининг зодагонлар синфини ташкил қилади, улар бизга сиёсий душман бўлиб, ушбу нуфузли мулклар, аввалги ижтимоий ва сиёсий мавқеидан маҳрум қилган янги тартибдан норозидир. Шу тарика, имтиёзли ер эгалиги масаласи манфаатлари бошқарув тизими билан муросасиз бўлган маҳаллий зодагонларнинг моддий қудрати масаласидир” (Galuzo, 1929: 30) – деб очикчасига билдирди. Шундай қилиб, Кауфман мулк эгаларини – дунёвий, вақф эгаларини эса диний феодалларга тенглаштирди ва масаланинг ечимини “Волгабўйида бўлгани каби мусулмон мулкдор синфни, шу жумладан вақфларни йўқотишда кўрди” (Zigadullin, 2006: 44-103). Бу ўлкадаги вақф мулкларига, қолаверса ислом дини – маҳаллий аҳоли эътиқоди, анъаналарига нисбатан ўта кетган сурбетлик эди.

Чунки Туркистонда вақф мулкларининг даромади нафақат йирик мулкдор ва турли

мансабдаги зодагон руҳонийлар манфаатига балки аҳолининг бошқа бир йирик қисмига хизмат қиларди. Бу жамиятнинг ўта ҳаракатчан ва ижтимоий фаол ёш мударрис ва талабалар қатлами эди. Мисол учун, вақфнома ҳужжатида кўра аслида ўз авлоди ва шаҳарнинг фақир камбағаллари учун ташкил қилинган Назарбий Қўйли ўғли вақфи (O'zR MDA, I.36- fond, 1- ro'uxat, 2366- ish, 21- v.) “1838 йилда воқифнинг авлодлари қолмагани сабабли Тошкент ҳокими Лашкар бекларбеги ташаббуси билан унинг Бекларбеги мадрасаси ихтиёрига ўтказилган” (Sultonov, 2016: 26). Вақфномада Қўқон хони, қози, муфти ва аъламлар мухри босилган, рус истилосидан кейин Черняев ҳам тасдиқланган ушбу вақф даромадидан шаҳарнинг камбағаллар қатлами, кейинчалик Бекларбеги мадрасасида таълим олувчи талабалар фойдаланишган. 1869 йил 28 мартада Назарбий вақф мулки шаҳар ҳокими Россицкий буйруғи билан Тошкент хўжалик бошқармасига олиб берилган. Натижада, ушбу вақф мулки даромадидан шаҳарнинг 100 дан ортиқ ижтимоий муҳтож қатлами ўзларининг тирикчилик манбаидан маҳрум бўлган (O'zR MDA, I.36- fond, 1- ro'uxat, 170- ish, 228- v.). Умумий қиймати 140.000 рублни ташкил этган Назарбий вақф мулки, кейинчалик 1872 йил 3 июндаги 3741-сонли Кауфманнинг буйруғига асосан русларнинг “Меҳр-шафқат жамияти”га берилган (Vakufy v Tashkente, 1884: 6).

Мазкур маълумотга кўра вақф мулкларини Ўрта Осиё мусулмон жамиятининг асосий иқтисодий устун, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами бўлмиш, камбағаллар, етим-есирлар, шунингдек талабаларнинг молиявий манбаи вазифасини бажарган. Кауфманнинг диний руҳонийлар вақфи тўғрисидаги иддаосига тўхталадиган бўлсак, авлодий вақфлар деб аталувчи ушбу вақф тури шариат томонидан қабул қилинган ва ҳуқуқий асосга эга эди. Уларни фақатгина зодагон руҳонийлар манфаатларига хизмат қилиш учун ташкил этилмаганлигига юқоридаги авлодий вақф бўлган Назарбий вақфи ҳужжатида камбағал фуқароларнинг таъминоти ҳам кўрсатиб ўтилганлиги мисол бўла олади. Қолаверса, Ў.Султонов фикрига кўра, биз тадқиқ этаётган Сирдарё вилоятида хусусан Тошкент вақф мулкчилигида авлодий вақфлар бошқа ҳудудларга нисбатан озчиликни, жами вақфларнинг атиги 2% ташкил этарди (Sultonov, 2016: 30).

Империя манфаатларига зид бўлган вақф мулкчилигига оид Николаевнинг хулосалари Кауфманни қониқтирмайди ва 1869 йилда генерал-майор Гомзин бошчилигида янги комиссия тузади (Muxamedov, 2019: 109). Ўлкадаги мавжуд ер эгалиги тартиби тўғрисида Гомзин комиссияси таркибига рус маъмуриятдан ташқари, маҳаллий ҳокимият

вакиллари ҳам киритилиб, комиссия аъзолари маслаҳат учун бир неча марта Тошкент қозиларига ҳам мурожаат қилишди (O'zR MDA, I.1- fond, 22-ro'xat, 3- ish, 86- v.).

Ер эгалиги муносабатларида Гомзин комиссияси томонидан кўриб чиқилган энг мураккаб масалалардан бири Туркистон ўлкасидаги вақфлар масаласи эди. Комиссия бу масала юзасидан бир қатор шариат ҳужжатларини таҳлил қилиб, шарқшунослар фикрини умумлаштириб, қуйидаги хулосаларга келди: “Биринчидан, ўлкада фаолият юритадиган вақф ҳуқуқлари шариатнинг асосий қоидалари бўйича бу ҳуқуқнинг қатъий таърифига жавоб бермайди; иккинчидан, вақфнинг асосий ва амал қилиш ҳуқуқи, шариат қонун-қоидаларига кўра, маҳаллий ерга фақат давлат ҳокимиятига тегишлидир; бу ҳудудда мавжуд бўлган вақф ерлари давлат томонидан бирор муассаса ёки шахс фойдасига хирож ва таноб солиқларидан озод қилинган ерлардир; маҳаллий масжидлар, мадрасалар ёки хожаларга тегишли бўлган вақф ҳуқуқи мулк ҳуқуқи эмас, чунки давлатнинг ёки мусулмон дунёсининг асосий асл вақф ҳуқуқи дахлсизлиги туфайли у фақат давлатга, мусулмон дунёсига ёки унинг вакили бўлган имом, амир, хонга ва ҳозирда подшоҳга (рус подшоси О.З.) тегишлидир” (Muxamedov, 2013: 67).

Таъкидлаш жоизки, Кауфман ер эгалигининг шариат ҳуқуқи меъёрларини ўрганиш учун ўлкага рус шарқшунос олимлар таклиф этади (Savitskiy, 1963: 5) ва ушбу мутахассислар ўлкадаги шариат қоидаларини ислом ҳуқуқи бўйича аксари европа шарқшуносларининг асарлари ёрдамида ёритишга ҳаракат қиладилар (Ostroumov, 1909: 61-67). Мисол учун, мусулмон жамиятидаги ердан фойдаланиш ҳуқуқи масаласида Николаев комиссиясининг ўз хисоботини Торнау¹нинг асари билан тўлдирган эди (Savitskiy, 1963: 21). Ҳатто, мусулмон ер эгалигининг хорижий тажрибасини ўрганиш мақсадида Кауфман кўрсатмасига биноан капитан А.Н.Куропаткин Жазоир ва Қашғарга, Сирдарё ҳарбий-губернатори генерал Абрамов Женевага жўнатилади (Savitskiy, 1963: 21). Бу ҳақда император топшириғига кўра генерал-губернаторликда тафтиш ўтказган сенатор Пален 1909 йилдаги ўзининг тафтиш хисоботида, “ўлкада мусулмончиликнинг ривожланиши ва унинг умумий манзарасининг аҳволи ҳанузгача кам тадқиқ қилинган” (Palen, 1910: 61), деган фикрни билдирган

¹ Торнау Николай Егорович – исломшунос, ислом ҳуқуқи бўйича бир қатор асарлар муаллифи. Комиссия фойдаланган асарни Торнау француз ва немис шарқшуносларининг Усмонийлар давлати ва Шимолий Африка мусулмон ўлкалари шариат қонунчилиги асосида ёзган. *Қаранг:* Барон Торнау. Мусульманское право. Сочинение. Санкт Петербург. 1866.

эди. Гомзин комиссиясининг Туркистондаги мавжуд вақфларнинг шариат қонунлари таърифига мос келмаслиги тўғрисидаги фикри ҳам шариат қонунчилигининг назарий манбаларига асосланиб айтилганди. Маълумки, ислом ҳуқуқи айниқса унинг ҳанафийлик мазҳаби оддий ҳуқуқ (урф)дан ҳам ҳуқуқнинг кенг мустақил ёрдамчи манбаи сифатида фойдаланишга имкон беради, бу ҳол ҳаётий эҳтиёжларни ва маҳаллий одатларни ҳисобга олиб ҳуқуқий қарорлар қабул қилиш имконини яратади (Islom Ensiklopediyasi, 2004: 97). Шунингдек, Ўрта Осиёда ислом ҳуқуқи амалиётида Гомзин комиссияси шунингдек, рус шарқшунослар мурожаат қилган асарлар эмас, балки “маҳаллий муфтий ва аъламлар томонидан тузилган, фикҳий масалалар, намунавий ривоятлар (юридик прецидент – О.З.) ҳужжатлар, фатволар мажмуаси фикҳий манбавий асос вазифасини бажарган” (Muhammadaminov, 2020: 61). Шу сабабдан, ушбу масалани таҳлил қилишда юқоридаги омилни эътиборга олиш зарур. Комиссиянинг барча ерлар каби вақф ерлар ҳам асли давлатга тегишли эканлиги тўғрисидаги хулосасига тўхталадиган бўлсак шариатга кўра, “ўз мулкини вақфга топширган шахслар мазкур мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқни йўқотади. Лекин унинг ўзи ёки оила аъзолари ёхуд учинчи бир шахс вақф мулкидан вақфномада қайд этилган мақсадларда фойдаланилаётганлигини аниқлаш учун вақф мулкини бошқариш ҳуқуқини сақлаб қолади. Вақф мулкини шариат қонуни бўйича давлат раҳбари ёки қози *назорат* қилади” (Gafurova, 2020: 66), яъни давлат фақатгина вақф мулкининг тўғри тасарруф қилиниши устидан назоратчи вазифасини бажарган, ерга эгалик даъвосини қилмаган. Бу ҳақда “амирлар ва хонлар ҳам вақф мулкларини мутлақ қонуний чегаралари доирасидан чиқа олмасди. Бунинг сабаби васият далолатномаларининг диний характерга эга эканлигида эди” (Kaufman, 1885: 236) – деб эътироф этган эди Кауфманнинг ўзи.

Шундай қилиб, якунида “бутун ерлар аслида давлат мулки” деган, умумий хулосага келган Гомзин комиссиясининг хулоса ва таклифлари, Савицкий фикрига кўра, “пировардда Туркистон ҳукумати томонидан илгари сурилган ўлка ер муносабатларини тартибга солиш лойиҳаси ва ушбу соҳадаги амалий чора-тадбирларга асос бўлиб хизмат қилди” (Savitskiy, 1963: 29). Умуман олганда, ўлкадаги мавжуд ер эгалиги ҳуқуқини ўрганиш важидан ташкил этилган ушбу комиссиялар, аслида ер эгалиги ҳуқуқини давлат фойдасига асослаб бериш учун тузилган эди. Фикримизча, Туркистон ер эгалиги тизимини ушбу комиссияларнинг хулосаларига таяниб ўрганаётган тадқиқотчилар ушбу омилни эътиборга олишлари керак.

Бундан ташқари вақф ерлари масаласида рус маъмурияти ташвишлантирадиган бошқа сабаб ҳам бор эди. Унинг бу йўналишдаги ташвиши барча вақф муассасаларининг уларга берилган мулкка эгалик ҳуқуқларини белгилаш орқали вақф мулкни ижарага олаётган аҳоли ва вақф муассислари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишни таъминлашга қаратилган эди. Бу ҳақида “Туркистон ўлкасида ер ишларини тартибга солиш лойиҳа”сига ёзилган тушунтириш хатида “вақф ва мулкдорлар ҳисобида бўлган ерларда ишлаётган аҳоли ўзларининг вазифа ва мажбуриятларида шариат кўрсатмаларига тобеъ эдилар, ҳолбуки, аҳолининг бошқа қисми амлок давлат ерларида 1867 йилги низом асосида фаолият юритяпти” (O’zR MDA, I.1- fond, 25- ro’uxat, 21- ish, 5o- v.).

1869 йилнинг 6 октябрида ўлка бош раҳбари топириғига биноан вақф ҳужжатларини текшириш, уларга эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқини аниқлаш бўйича махсус комиссия тузилади, унга ҳар бир уездан икки нафардан вакил жалб қилинди. Унга кўра Тошкент шаҳри ва вилоят уезд бошлиқларига ўз маҳаллий маъмурлари орқали аҳолига вақф, амлок ва мулк ҳужжатларининг асли ва тасдиқланган кўчирмаларини бир ой муддатда тақдим қилиш мажбурияти юклатилади (Blagoveshenskiy, 1891: 21).

1869 йил комиссияга аҳоли томонидан тақдим қилинган вақфнома ҳужжатлари 1874 йил 27 июнга Сирдарё вилоят ҳарбий губернаторига эгаларига бериш учун қайтарилди. Вақф ва мулкларига оид жами аҳолига 2364 та ҳужжат қайтарилиб, шундан энг кўпи 1219 ҳужжат Тошкент уездига тегишли эди (Blagoveshenskiy, 1891: 21).

Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган Туркистон генерал-губернатори девонхонаси бошлиғи Хомутовнинг Санкт-Петербургдан Тошкентга олиб келинган шахсий фондида Сирдарё вилоятининг Туркистон, Чимкент, Авлиёота, Перовск каби уездларда империя истилосига қадар мавжуд бўлган вақф ва мулк ерлари тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилган. Ушбу маълумотлар нафақат ушбу ерларнинг миқдори ва ҳолати балки уларнинг эгалари ва вақф мулкларининг таъсис этиш сабаблари нуктаи назаридан ҳам қизиқарлидир. Маълумотда келтирилган аксар вақф мулкларнинг эгалари Тошкент шаҳри фуқаролари бўлганлиги қайд этилади. Ушбу маълумотлар асосида истилога қадар ушбу ҳудудлар маъмурий жиҳатдан Тошкент беклигига қарашли бўлганлигини хулоса қилиш мумкин. Тадқиқотчи Ў.Султоновнинг “Туркистон, Чимкент, Авлиёота ва Оқмасжид Тошкент мулкларининг шимолий сарҳадларидаги маъмурий бошқарув марказлари бўлиб, уларнинг ҳокимлари хон ёки Тошкент ҳокими тарафидан

тайинланган”лиги (Sultonov, 2016: 17) тўғрисидаги маълумоти юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Яна ушбу маълумотдан Тошкент ҳудудида мулк ва вақф ерларнинг кўплиги ва ерларнинг ўзлаштирилганлиги сабабидан мулкдорлар Туркистон ва Чимкент каби ҳудудлардаги унумдор ерлардан фойдаланишганлиги билан изоҳлаш мумкин.

1875 йилда Сирдарё вилоятида мавжуд вақф ерлар ва улардан тушадиган даромадлар тўғрисидаги ҳарбий губернатори Головачевнинг Туркистон генерал-губернаторига берган ҳисоботида мавжуд вақф ва мулк ерлари бўйича қуйидагича маълумот келтиради:

Вақф мулкларидан ташқари Туркистон ва Чимкентда мулк ерлари йўқ – деб келтирилади ҳисоботда. Чимкент уездига мавжуд вақф ерлари ва улардан тушадиган даромадлар келтирилади. Мисол учун, Сайрам кишлоғининг Қоратепа мавзеида 700 таноб²лик вақф ери мавжуд. Хонлик даврида бу ердан 60 ботмон³ бугдой йиғилган, руслар ҳудудни эгаллагач ушбу даромад истилочилар ғазнасига тушадиган бўлди. Яъни ер фойдаланишда вақф мулки ҳуқуқи тўхтатилган. Морттепа кишлоғида вақф ералари 700 таноб бўлиб, хонлик даврида 30 ботмон ғалла даромад келтирган, истилодан кейин ташландиқ ерга айланган (O’zR MDA, I.1008- fond, 1- ro’uxat, 84- ish, 1- v.).

Ушбу ерларнинг даромад келтирмаганлигининг асосий сабаби, вақф мулкларининг рус маъмурияти томонидан тўхтатиб қўйилиши бўлиб, айнан Сайрамдаги 700 таноб ернинг даромади рус маъмурияти фойдасига ўтказилиши ушбу ердан фойдаланувчи маҳаллий аҳолининг норозилигига сабаб бўлган ва ерлар ташландиқ ҳолатган тушган. Нафақат вақф ерларининг балки ҳудуддаги вақф ҳисобида бўлган ҳаммом ва омборхона, Сайрам бозоридаги тўрт савдо расталарининг ҳам истилодан кейин фаолиятини бутунлай тўхтатгани, рус маъмуриятининг вақф мулкларига нисбатан олиб борган сиёсати натижаси эканлиги тўғрисидаги фикримизни тасдиқлайди.

Авлиёота уездига ҳам мулк ерлари мавжуд эмас, вақф ерлари ва уларнинг йиллик даромадларни ҳарбий губернатор қуйидагича тавсифлайди. Авлиёота шаҳридаги 1860 йил Қўқон хони Худоёрхон томонидан бек этиб тайинланган (O’zR MDA, I.715- fond, 1- ro’uxat, 23- ish, 169- v.) Отабек додхоҳ томонидан қурилган катта (жомеъ О.3) масжидга

² Таноб – “طناب”(ар.) луғавий маъноси аркон, “ерни ўлчаш аркони”; ер ўлчов бирлиги бўлиб, ҳудудлар кесимида чоррак гектардан ярим гектаргача фарқ қилган (Troitskaya, 1968: 563).

³ Ботмон — 78 пудга ёки 128 кг.га тенг.

тегишли вақф ерлари жами 8 танобни ташкил этган (O'zR MDA, I.1008- fond, 1- ro'uxat, 84- ish, 5- v.). Ушбу вақф ерларига тегишли хужжатлар йўқотиб қўйилган. Шунингдек, ҳисоботда масжидга тегишли бошқа турдаги вақф мулклари ҳам келтириб ўтилган бўлиб, улардан фойдаланиш ҳуқуқи Тошкент қозиси Тўрахўжа Шарифхўжа ўғли томонидан расмийлаштирилган ва кейинчалик Авлиёота уезди бошлиғи томонидан тасдиқланган. Бундан вақфнинг бошқа турдаги хужжатлари каби ерларга тегишли хужжатлар ҳам Тошкент қозилар томонидан тузилганлигини тахмин қилиш мумкин.

Яна ҳисоботда Авлиёота мазорига тегишли 10 таноб беда, ҳамда Тиктурмас мазорига тегишли 14 таноб ер, боғ ва 2 таноб беда даласи келтирилади. Ушбу вақфларнинг хужжатлари Авлиёота қозиси Имомхўжа Эшонхўжа ўғли томонидан расмийлаштирилган ва бийлар томонидан тасдиқланган. Мазорлар учун ажратилган ушбу вақф даромадлари қабристонни доимий обод саклаш мақсадида сарфланган ва уларнинг асосий иқтисодий манбаи бўлиб хизмат қилган. Мисол учун, Авлиёота мазорига тегишли йиллик даромади 40 рубл бўлган 7 танобдан иборат ғалла вақф ери бўлиб, ундан 20 рубли қоровуллар учун қолган 20 рубли мазор ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари учун ажратилган (O'zR MDA, I.1008- fond, 1- ro'uxat, 84- ish, 9- v.). Талас дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган Авлиё Тиктурмасота мазорига тегишли 5 ботмон микдорида ҳосил беришга мўлжалланган вақф ери ҳам йиллик даромади 40 рубл бўлиб, 30 рубли ободонлаштиришга сарфланиб, 10 рубли қоровулга меҳнат ҳаққи сифатида берилган. Тошкент ҳокими Мирза Аҳмад Раҳмончи Алим Мирза томонидан Биби Ойша авлиё мақбараси яқинидаги мазорига вақф учун ажратилган ариқ. Истилодан кейин мазор қаровсиз қолиб, ариқ маҳаллий аҳолининг жамоавий фойдаланишига ўтган (O'zR MDA, I.1008- fond, 1- ro'uxat, 84- ish, 7- v.). Ушбу архив хужжати Тошкент ҳокими Мирзо Аҳмаднинг тўлиқ исми шарифи келтириб ўтилганлиги билан ҳам қимматли. Муҳаммад Солиххўжа Тошкандийнинг “Тарихи жадидаи Тошканд” ва Абу Убайдуллоҳ Тошкандийнинг “Хулосат ул-аҳвол” асарларида у Мирзо Аҳмад қўшбеги (Sultonov, 2007: 61) сифатида тилга олинган. “Тарихи Шохруҳий” асарига кўра у Мирзо Аҳмад Хўқандий номи билан келтирилиб, Қўқон хони Олимхон томонидан Тошкентга ҳоким этиб тайинланган (Beysembiyev, 1987: 151), ҳамда бир марта ҳокимлик мансабидан олиниб, кейинчалик яна иккинчи марта шаҳарга ҳокимлик қилган. Бунинг сабаби, ўша даврда Қўқон хонлигининг шимолий ҳудудларда рўй берган ҳукуматга қарши қўзғалишлар натижасида, хон Мирза Аҳмаддан

норози бўлган (O'zR MDA, I.715- fond, 1- ro'uxat, 19- ish, 70- v.). Тошкент ҳокимларининг Авлиёотада вақф мулкларини ташкил этганлиги, ушбу ҳудуднинг фақатгина чегара истехкоми эмас, балки тўлақонли хонликнинг маъмурий бирлиги бўлганлигини кўрсатади.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Юқоридаги маълумотлар фақатгина статистик аҳамиятга эга бўлмай, балки бу ўлкадаги истилогача бўлган диний муассасалар ва қабристонлар, уларда ишлайдиган ходимларнинг моддий таъминоти вақф мулки асосида тизимли ва оқилона йўлга қўйилганлигини кўрсатади. Айнан шу тизим орқали юқоридаги харажатлар на давлат ва на аҳоли зиммасига тушган. Қолаверса, ҳосилдор вақф ери мавжуд экан, у ўз-ўзидан атрофдаги аҳолини иш билан таъминловчи марказ вазифасини бажарган. Чунки, вақфнинг диний характеридан келиб чиқиб, унга асосан унумдор ва суғориш тизимига яқин ерлар ажратилган. Албатта, бу деҳқонларнинг ушбу ерларда ишлаши учун биринчи навбатдаги омил ҳисобланади.

Шуни таъкилаш керакки, Туркистон маҳаллий бошқарувининг турли мансабларида ишлаш учун келган шахсларнинг аксарияти ҳарбийлар бўлиб, улар ўлкадаги ер эгалиги ва умуман минтақа анъаналаридан беҳабар кишилар эди. Бунинг натижасида улар маҳаллий бошқарувда ўзбошимчалик билан анъанавий мулк эгалиги тизимига зид кўпгина ҳаракатларни содир этдилар. Мисол учун, 1872 йилнинг 7 сентябрида Тошкент шаҳар Шайхонтаҳур қисми аҳолисининг Сирдарё вилоят ҳарбий губернаторга ёзган шикоятномасида келтирилган маълумотда, Хожа Аҳрор вақф ерининг бир қисми капитан Яничевскийга ғишт заводи қуриш учун берилган (O'zR MDA, I.36- fond, 1- ro'uxat, 170- ish, 229- v.) ва унинг қолган қисми эса шаҳарнинг руслар яшайдиган ҳудуди деб эълон қилинган. Хўжа Аҳрор мадрасаси вақф ерларининг умумий майдони 1412 танобни ташкил этган (O'zR MDA, I.1008- fond, 1- ro'uxat, 37- ish, 12- v.).

1873 йилда Фон Кауфман ҳукумат муҳокамасига ўлкада ер тузилишини ислоҳ қилиш лойиҳасини тақдим этди. Унда у “вақф ерлардан тушадиган даромадлар ҳуқуқлар тўлалигича руҳонийлар ҳисобида бўлганлиги учун бу ерларга тегишли аҳоли ҳам улар ихтиёрида эканлигини” (Kaufman, 1885: 236) мустамлака бошқарувига нисбатан сиёсий ва даромадларнинг давлат фойдасига ундирилмаётганлигини давлат хазинаси учун иқтисодий зарар сифатида баҳолади. Бу муаммони ҳал қилиш учун, у ерни кенг микёсдаги чегаралаш ишларини амалга ошириш ва солиққа ва имтиёзга

эга бўлган, вақф ва мулккий маҳаллий ер эгалигини тартибга солишни ва вақф нафақаларини диний муассасаларга рус маъмурияти қўлидан беришни таклиф қилади. Бу ҳақда 1873 йилги лойиҳанинг изоҳномасида шундай дейилганди: “Вақф ерлари ҳақиқатан ҳам ўзгалар қўлида қолиши мумкин. Бироқ, ундан фойдаланганлиги учун фойданинг бир маълум қисмини мулкдор ёки мутаваллига эмас, балки давлатга тўлаш зарур” (O’zR MDA, I.1008-fond, 1- ro’uxat, 37- ish, 12- v.).

Кўп эътирозларга сабаб бўлган ушбу лойиҳанинг вақфларни чеклаш ва мусодара қилиш тўғрисидаги таклифларини империя ҳукумати вакиллари XVIII асрда Россиядаги православ черкови мулкларини давлат ҳисобига ўтказилишига ўхшатишди. 1874 йилда капитан М.Ростиславов Туркистонда вақфларга нисбатан “монастрлар масаласи ечимини қўллаш мумкин ва ҳатто жуда зарур” (Rostislavov, 1879: 15) лигини таъкидлайди. Бунда у Усмонлилар империясининг тажрибасига ишора қилади. 1826 йилда Усмонлилар Султони Империя Вақф Вазирлигини ташкил қилиш орқали, вақф ер эгалиги устидан расмий назоратни ўрнатганди. Усмонлиларнинг ушбу лойиҳасини генерал-губернатор К.П.Кауфман “Туркестанские ведомости” газетасида чоп этишга кўрсатма берганди, бироқ уни бу ерда татбиқ этиш қўйилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин деган фикрга келди (Litvinov, 1998: 174).

ХУЛОСА

Кауфман ўз ислохотларини амалга оширишга олий даражадаги рухсатни ололмади ва ваколати даражасидаги ишлар билан чекланишга мажбур бўлди. Шундай бўлсада, Фарғона вилоятида ер эгалиги муносабатлари тасдиқланмаган 1873 йилги лойиҳа асосида 1877 йилдан амалиётга жорий қилинди. Бунинг оқибатида Муҳаммад Азиз Марғилоний Кауфманнинг Фарғона вилояти ерларига нисбатан қўллаган сиёсатини “*землемерлар подшолик ерларига ва оқ вақф ерларига ажратиб баёнлаб таноб торти. баъзи оқ вақфларнинг устида мутаваллиси ҳозир бўлмаса ёки кўрсатиб бергучи амин ва инобатлик (киши) “бу оқ вақф фалон жойнинг вақфи, таҳдиди (чегараси) фалон жойгача”, деб айтиб бермаса, андоғ оқ вақфларни ҳам мисли омма одамлар ерлари қаторида қолдириб, таноб тортиб, ёзиб кетти*” (Marg’iloniy, 1999: 49) – деб, тавсифлайди. Яъни, мустамлака маъмурияти вақф мулкларини тан олмасликка ва уларни давлат ерига айлантиришга ҳаракат қилган. Вақф ерларига нисбатан бундай сиёсат нафақат Фарғона балки Сирдарё ҳам амалга

оширилганлигини юқоридаги вилоятидаги вақф мулкларининг ҳолатида кўришимиз мумкин.

1881 йилга келиб, Сирдарё вилоятида вақф ерларидан тушадиган йиллик даромад 7000 рубл бўлиб, вақф ерларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри тўғри келарди ва бу маблағни солиштирадиган бўлсак, Фарғона вилоятида 80 минг рубл, Зарафшон округида эса 49 минг рублни ташкил этган (O’zR MDA, I.1- fond, 25- ro’uxat, 21- ish, 9- v.).

Тадқиқотчи А.Моррисон фикрига кўра ушбу давр мобайнида “Туркистонда мустамлака ҳокимияти ислом динини заифлаштириш учун ҳеч қандан қатъий қадам ташламади, гарчи ёзма манбаларда улар буни қанчалик хоҳлаганини кўрсатсада... вақф мулклари фақат вақти-вақти билан мусодара қилинди” (Morrison, 2015: 73). Шундай бўлсада, ўлка маъмуриятининг вақф мулкларига нисбатан юритган мустамлакачилик сиёсати натижасида, Сирдарё вилоятининг шимолий ҳудудлари бўлмиш Авлиёота, Туркистон, Сайрам ва Амударё бўлимида вақф ерлари бутунлай тугатилди, Тошкент ва Чимкентда мавжуд ерлардан кўпчилиги турли важлар билан мусодара қилинди, бошқалари эса қаровсиз қолди. Бунинг оқибатида ўлкадаги илм масканлари бўлган мадрасалар, масжид, зиёратгоҳ ва мазорлар каби маҳаллий аҳоли ардоғида бўлган қадимий ва муқаддас қадамжолар моддий таъминотсиз харобага айланди. Қолаверса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами бўлмиш талабалар, камбағал фуқаролар асосий иқтисодий ҳаёт манбаисиз қолдилар.

АДАБИЁТЛАР:

1. Абашин, С. Н. (2003). Ислам в бюрократической практике царской администрации Туркестана (Вакуфное дело дахбитского медресе. 1892-1900). *Сборник Русского исторического общества. Т. 7. Россия и мусульманский мир*, 163.
2. Бейсембиев, Т. К. (1987). «*Та’рих-и Шахрухи*» как исторический источник. Алма-Ата: «Наука» Казахской ССР.
3. Благовещенский, В. И. (1891.). К вопросу о вакуфах в Сыр-Дарьинской области. *Сборник материалов для статистики Сыр-Дарьинской области издание Сыр-Дарьинского Статистического Комитета*. (стр. 21-29). Ташкент: Типо-литография И.С.Лахтина.
4. Вакуфы в Ташкенте. (1884). *Туркестанские ведомости.*, № 32, стр. 5-9.
5. Вақф. Из книги Гидая. (1887). *Туркестанские ведомости*, № 38, стр. 170-181.
6. Галузо, П. Г. (1929). *Туркестан – колония (очерк истории Туркестана от завоевания русскими до революции 1917 года)*. Москва: КУТВ.
7. Загидуллин, И. К. (2006). Ислам и благотворительность. Материалы всероссийского

- семинара «Ислам и благотворительность». Вакуфы в имперском правовом пространстве, (стр. 44-103). Казань.
8. Кауфман, К. П. (1885). *Проект Всеподданнейшего отчета Ген. – Адъютанта К.П. фон Кауфмана 1 по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанского генерал-губернаторства. 7 ноября 1867-25 марта 1881.* Санкт-Петербург: Военная типография.
 9. Литвинов, П. П. (1998). *Государство и ислам в Русском Туркестане (1865–1917) (по архивным материалам).* Елец: ЕГПИ.
 10. Марғилоний, М. (1999). *Тарихи Азизий (Фаргона чор мустамлакаси даврида).* Тошкент: Маънавият.
 11. Моррисон, А. (2015). “Мы не англичане...” К вопросу об исключительности российского империализма. *Восток свйше, № 3.*, 69-78.
 12. Мухамедов, Н. Алиджанова, Л. Personality of Khoja Akhror and his factor in the social-spiritual Life // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal_ <https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=10&issue=10&article=192>. Pages: 1242-1246. DOI: [10.5958/2249-7137.2020.01263.X](https://doi.org/10.5958/2249-7137.2020.01263.X)
 13. Мухамедов, Ш. Б. (2013). *Историко-источниковедический анализ государственного регулирования ислама Российской империей в Туркестане (1864-1917).* Ташкент: Baqtria press.
 14. Мухамедов, Ш. Б. (2019). Особенности землевладения и водопользования в Средней Азии и Алжире в XIX в. *Метамарфозы Истории, № 13*, 107-124.
 15. Мухаммадаминов, С. (2020). Бухоро амирлиги даврида яратилган айрим фатво тўпламлари ва уларнинг тарихий аҳамияти. *Имом Бухорий сабоқлари, № 3.*
 16. Остроумов, Н. П. (1909). Мусулманское законоведение. *Туркестанские ведомости, № 29.*, стр. 61-70.
 17. Пален, К. К. (1910). *Краевое управление. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенной по высочайшему повелению Сенатором Гофмейстером графом К.К.Паленом.* Санкт - Петербург: Сенатская типография.
 18. Романовский, Д. И. (1868). *Заметки по Средне-азиатскому вопросу. (С приложениями и картою Туркестанского генерал-губернаторства).* Санкт-Петербург.
 19. Ростиславов, М. Н. (1879). *Очерк видов земельной собственности и поземельный вопрос в Туркестанском крае.* Санкт-Петербург: Тип. братьев Пантелеевых.
 20. Савицкий, А. П. (1963). *Поземельный вопрос в Туркестане.* Ташкент: СамГУ.
 21. Султонов, Ў. А. (2007). Тошкент Қўқон хонлиги таркибида (“Тарихи жадидаи Тошканд” ва “Хулосат ул-аҳвол” асарларидаги маълумотлар таҳлили). *Ўзбекистон тарихи, № 2*, 57-67.
 22. Султонов, Ў. А. (2016). *Тошкент вақф хўжалигида анъаналар, ислохотлар ва муаммолар (XVI–XX аср бошларига оид тарихий ҳужжатлар асосида).* Докторлик диссертацияси автореферати. Тошкент.
 23. Троицкая, А. Л. (1968). *Каталог архива кокандских ханов XIX века.* Москва: Наука.
 24. Gafurova, I. (2020). Role of waqf properties in the history of Turkestan. *The Light of Islam, 2020(3)*, 66-74.
 25. *Islom Ensiklopediyasi.* (2004). Toshkent: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti.
 26. O'zR MDA, I.1- fond, 14- ro'yxat, 21, 9, 9a, 359- ishlar.
 27. O'zR MDA, I.1- fond, 22- ro'yxat, 3- ish.
 28. O'zR MDA, I.1- fond, 25- ro'yxat, 21, 25- ishlar.
 29. O'zR MDA, I.1008- fond, 1- ro'yxat, 37, 84- ishlar.
 30. O'zR MDA, I.36- fond, 1- ro'yxat, 170, 2366- ishlar.
 31. O'zR MDA, I.715- fond, 1- ro'yxat, 19, 23- ishlar.

REFERENCES:

1. Abashin, S. N. (2003). Islam v byurokraticheskoy praktike sarskoy administratsii Turkestana (Vakufnoye delo daxbitskogo medrese. 1892-1900). *Sbornik Russkogo istoricheskogo obshestva.* T. 7. Rossiya i musulmanskii mir, 163.
2. Beysembiyev, T. K. (1987). “Ta’rix-i Shaxruxi” kak istoricheskiy istochnik. Alma-Ata: “Nauka” Kazaxskoy SSR.
3. Blagoveshenskiy, V. I. (1891.). K voprosu o vakufax v Sir-Dar’inskoy oblasti. *Sbornik materialov dlya statistiki Sir-Dar’inskoy oblasti izdaniye Sir-Dar’inskogo Statisticheskogo Komiteta.* (21-29). Tashkent: Tipolitografiya I.S.Laxina.
4. Vakufi v Tashkente. (1884). *Turkestanskiye vedomosti.*, № 32, 5-9.
5. Vakf. Iz knigi Giday. (1887). *Turkestanskiye vedomosti,* № 38, 170-181.
6. Galuzo, P. G. (1929). *Turkestan – koloniya (oчерk istorii Turkestana ot zavoyevaniya russkimi do revolyutsii 1917 goda).* Moskva: KUTV.
7. Zagidullin, I. K. (2006). Islam i blagotvoritel’nost’. Materiali vserossiyskogo seminaru «Islam i blagotvoritel’nost’». *Vakufi v imperskom pravovom prostranstve,* (44-103). Kazan.
8. Kaufman, K. P. (1885). *Proyekt Vsepoddanneyshego otcheta Gen. – Ad’yutanta K.P. fon Kaufmana 1 po grajdanskomu upravleniyu i ustroystvu v oblastiakh Turkestanskogo general-gubernatorstva. 7 noyabrya 1867-25 marta 1881.* Sankt-Peterburg: Voyennaya tipografiya.
9. Litvinov, P. P. (1998). *Gosudarstvo i islam v Russkom Turkestane (1865–1917) (po arxivnim materialam).* Yeles: YEGPI.
10. Marg’iloniy, M. (1999). *Tarixi Aziziy (Farg’ona chor mustamlakasi davrida).* Toshkent: Ma’naviyat.
11. Morrison, A. (2015). “Mi ne anglichane...” K voprosu ob iskluychitel’nosti rossiyskogo imperializma. *Vostok svishe, № 3.*, 69-78.
12. Nematullo Mukhamedov, Lazizakhon Alidjanova (2020). Personality of Khoja Akhror and his factor in the social-spiritual Life // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal_ [https://](https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=10&issue=10&article=192)

www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=10&issue=10&article=192. Pages: 1242-1246.
DOI: [10.5958/2249-7137.2020.01263.X](https://doi.org/10.5958/2249-7137.2020.01263.X)

13. Muxamedov, Sh. B. (2013). *Istoriko-istochnikovedicheskiy analiz gosudarstvennogo regulirovaniya islama Rossiyskoy imperiyey v Turkestane (1864-1917)*. Tashkent: Baqtria press.
14. Muxamedov, Sh. B. (2019). Osobennosti zemlevladieniya i vodopolzovaniya v Sredney Azii i Aljire v XIX v. *Metamarfozi Istorii*, № 13, 107-124.
15. Muhammadaminov, S. (2020). Buxoro amirligi davrida yaratilgan ayrim fatvo to'plamlari va ularning tarixiy ahamiyati. *Imom Buxoriy saboqlari*, № 3.
16. Ostroumov, N. P. (1909). Musulmanskoye zakonovedeniye. *Turkestanskiye vedomosti*, № 29., 61-70.
17. Palen, K. K. (1910). *Krayevoye upravleniye. Otchet po revizii Turkestanskogo kraya, proizvedennoy po visochaishemu poveleniyu Senatorom Gofmeisterom grafom K.K.Palenom*. Sankt - Peterburg: Senatskaya tipografiya.
18. Romanovskiy, D. I. (1868). *Zametki po Sredne-aziatskomu voprosu. (S prilozheniyami i kartoyu Turkestanskogo general-gubernatorstva)*. Sankt-Peterburg.
19. Rostislavov, M. N. (1879). *Ocherk vidov zemel'noy sobstvennosti i pozemel'niy vopros v Turkestanskom kraye*. Sankt-Peterburg: Tip. bratev Panteleyevix.
20. Savitskiy, A. P. (1963). *Pozemel'niy vopros v Turkestane*. Tashkent: SamGU.
21. Sultonov, O'. A. (2007). Toshkent Qo'qon xonligi tarkibida ("Tarixi jadidayi Toshkand" va "Xulosat ul-ahvol" asarlaridagi ma'lumotlar tahlili). *O'zbekiston tarixi*, № 2, 57-67.
22. Sultonov, O'. A. (2016). *Toshkent vaqf xo'jaligida an'analar, islohotlar va muammolar (XVI-XX asr boshlariga oid tarixiy hujjatlar asosida). Doktorlik dissertatsiyasi avtoreferati*. Toshkent.
23. Troitskaya, A. L. (1968). *Katalog arxiva kokandskix xanov XIX veka*. Moskva: Nauka.
24. Gafurova, I. (2020). Role of waqf properties in the history of Turkestan. *The Light of Islam*, 2020(3), 66-74.
25. *Islom Ensiklopediyasi*. (2004). Toshkent: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti.
26. O'zR MDA, I.1- fond, 14- ro'yxat, 21, 9, 9a, 359- ishlar.
27. O'zR MDA, I.1- fond, 22- ro'yxat, 3- ish.
28. O'zR MDA, I.1- fond, 25- ro'yxat, 21, 25- ishlar.
29. O'zR MDA, I.1008- fond, 1- ro'yxat, 37, 84- ishlar.
30. O'zR MDA, I.36- fond, 1- ro'yxat, 170, 2366- ishlar.
31. O'zR MDA, I.715- fond, 1- ro'yxat, 19, 23- ishlar.